

# Zaak cy3u

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаған 🌘 E-mail: halksuzi@sand.uz

2002 йил 25 сентябрь, №206 (3034)

Чоршанба

# президентлар учрашуви

24 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар килади).

Литва Президенти қароргохида Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Юксак мартабали мехмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Икки давлат мадхиялари янгради.

Президентларнинг юзма-юз сухбатида Литва рахбари Валдас Адамкус давлатимиз рахбарининг ушбу ташрифи икки мамлакат босиб ўтган йўлни сархисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият туғдирганини айтди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ўзаро савдо-сотикни ривожлантириш, иктисодий алокаларни мустахкамлаш, янги қўшма корхоналар тузиш, шунингдек, хавфсизликни таъминлаш, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, Афгонистондаги тикланишга доир мухокама масалалар

Музокаралар якунида Президентлар Узбекистон билан Литва ўртасида Давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва хамкорлик тўгрисидаги шартномани имзолади.

Шунингдек, ташки ишлар вазирликлари, мудофаа махкамалари, божхона хизматлари хамда миллий университетлар ўртасида ҳамкорлик тўгрисидаги хужжатлар имзоланди.

Шундан сўнг ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Узбекистон-Литва муносабатларининг хукукий асоси мазмунан бойиб, камрови янада кенгайганини таъкидлади.

Ислом Каримов Вильнюсдаги Антакалнис ёдгорлик мажмуини зиёрат килди. Литва Республикасининг мустақиллиги йўлида халок булганлар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қуйди. Куннинг иккинчи ярми-

да Президент Ислом Каримов Литва Бош вазири Алгирдас Бразаускас билан учрашди. Бу икки сиёсатчи қадрдон дўстлардир. А.Бразаускае шу йилнинг февралида мамлакатимизда мехмон бўлган эди. 1997 йили, у мамлакат президенти бўлган кезлари, Узбекистонга расмий ташриф буюрган. Ислом Каримов ва А.Бразаускаснинг дўстлиги мамлакатларимиз мустақилликка интилаётган пайтлардаёқ бошланган. Қадрдон дўстларнинг сухбатида Узбекистон-Литва муносабатларини янада ривожлантириш билан боглиқ масала-



лар мухокама этилди. Мамлакатимиз рахбари Вильнюс университетида бўлиб, ушбу олий ўқув юрти рахбарияти билан сухбатлашди. Ўзбекистон билан Литва муносабатларига доир китоблар кўргаз-

Ислом Каримовнинг Литвага расмий ташрифи давом этмокла.

маси билан танишли.

СУРАТДА: ташриф пайтидан лавха.

Абдувохид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

#### ислом каримовга литва ОРДЕНИ ТОПШИРИЛАИ

24 сентябрь. Вильнюс. (ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади).

Бугун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Литванинг Буюк Витаутас ордени топширилди. Мазкур давлатнинг энг олий мукофоти хисобланувчи бу орден Литва давлати, халқи олдидаги хамда халқаро микёсда улкан хизматлар кўрсатган атокли кишиларга берилади.

1930 йили Буюк Литва князи Витаутаснинг 500 йиллиги муносабати билан таъсис этилган мазкур орденга шу пайтгача Швеция кироли Карл XVI ва киролича Сильвия, Литванинг биринчи Президенти А.Бразаускас, Сейм (парламент) раиси В.Ландсбергис хамда Литва кардинали В.Слаткевичус сазовор бўлган.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўккизинчи сессиясидаги маърузасида сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиклигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки когозда эмас, амалий хаётда кенг жорий килиш — жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жихатидан янгилаш борасидаги энг мухим устувор йўналишлардан эканини

## оммавий ахборот воситалари ВА КАДРААР САЛОХИЯТИ

босқичида рўёбга чиқариш белгиланган ушбу устувор йўналиш мустақиллигимизнинг ластлабки давриданок оммавий ахборот воситаларини том маънода "туртинчи хокимият" даражасига кўтариш борасида боскичма-боскич амалга оширилаётган изчил ислохотларимизнинг мантикий давомидир. Хозирги давр бу жабҳадаги ҳаётбахш ўзгаришлар, хусусан, ахборот сохасини жадал ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш фукаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнининг узвий таркибий кисмига айланишини такозо эт-

мокла. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари зиммасига муайян вазифаларни юклайди. Аввало, узоқ вақтлар давомида мафкуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани окибатида халигача психологик жихатдан ўзини эркин хис этиши кийин кечаётган матбуот, радио ва телевидение, бошка оммавий ахборот воситалари эндиликда ўз фаолиятини янги вазиятдан келиб чиккан холда қатъият билан ислох этиши зарур.

Парламентнинг тўққизинчи сессиясида қабул қилинган "Оммавий ахборот воситалари тўгрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қушимчалар киритиш ҳақида" ҳамда "Реклама тўгрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига ўзгартишлар ва кушимчалар киритиш хакида"ги қонунлар, шунинглек, биринчи ўкишла тасдикланган ва умумхалк мухокамаси учун матбуотда чоп этиш тўгрисида қарор қабул қилинган "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўгрисида"ги Қонун лойихаси бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакат ижтимоий ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш шароитида ахолининг ахборотга бўлган талаб-эхтиёжларини янада тўлароқ қондириш, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг кўламда ривожлантиришга кўмаклашиш, ахборот хизматларининг замонавий бозорини шакллантириш, ўзўзидан, матбуот ва ахборот сохасида бошкарувни изчил мукаммаллаштириб боришни талаб этади. Давлатимиз рахбарининг шу йил 3 июлдаги "Матбуот ва ахборот сохасида бошқарувни такомиллаштириш тўгрисида" ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамаси мазкур мухим хужжат ижросини таъ-

минлаш йўлида қабул қилган қарор шу мақсадга қаратилган. Узбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги

рахбар ходимлар малакасини оширишта бағишланған ўқувсеминарнинг очилиш маросимида ана шулар ҳақда батафсил сўз юритилди. Унда агентликнинг вилоят бошкармалари бошликлари, оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази ходимлари, нашриётлар ва матбаа корхоналари рахбарлари, газета ва журналлар бош мухаррирлари, журна-

листлар иштирок этмоқда. Тадбирни мазкур агентлик бош директори Р. Шогуломов очди. Анжуман қатнашчилари тўрт кун давомида мамлакатимизда матбуот ва ахборот тизимини такомиллаштиришда рахбар кадрларнинг ўрни ва роли, оммавий ахборот воситаларини молиялаштириш асослари, оммавий ахборот воситалари мониторингини амалга ошириш хусусиятлари, муаллифлик ҳуҳуҳига риоя этиш масалалари, вилоят нашриётларида чоп этилаёттан адабиётларнинг гоявий-бадиий савияси, телевидение ва радионинг жамиятни эркинлаштиришдаги ўрни билан боглиқ мавзуларда маърузалар тинглайди.

Семинарнинг очилиш маросимида Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси Х.Султонов сўзга чикли

**Рулом МИРЗО, ЎзА** мухбири.

Олий Мажлисда

## Хазиналар юртга kaŭmmokda

Мамлакатимизнинг кўп минг йиллик тарихига оид қадимий қўлёзмалар, нодир хужжатлар, архив материалларини излаб топиш ва уларни Ватанимизга олиб келиш тарихимиз ва маданиятимизни чукур ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг мухим кисми хисобланади.

Очиги, Узбекистондан четга олиб кетилган архив хужжатларини юртимизга олиб келиш бўйича Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси хузуридаги Махсус комиссия ташкил этилганидан буён бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилди. Бу хакда мазкур комиссиянинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида ҳам алоҳида таъкидланди. Унда Махсус комиссиянинг қарори билан Туркия Республикасига қилинган хизмат сафари якунлари бўйича хисобот тингланди. Йигилишда Истамбул шахридаги «Тўпкапи» саройи кутубхоналарида сақланаётган Камолиддин Бехзод муйқаламига мансуб Дехлавийнинг «Хамса» асарларига ишланган 2 та миниатюра, шунингдек, Камолиддин Бехзоднинг шогирдлари муйқаламига мансуб Хирот мактабита оид рассомлар томонидан Низомий асарларига ишланган 12 миниатюра асарларидан слайдлар олиб маълум келинганлиги килинди.

Шунингдек. шоир Абдурахмон Жомийнинг жияни Абдуллох Хотифининг қаламига мансуб «Темурнома» ёки «Зафарномаи Темур» асарининг микрофильми хамда Улугбекнинг шогирди Али Кушчи томонидан Туркияга олиб кетилган ва хозирги кунда «Тўпкапи» саройида сақланаётган Улугбек қутичасининг хам слайди олиб келинган. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишда Туркиянинг Узбекистондаги элчихонаси, Туркия Ташқи ишлар ҳамда Маданият ишлари вазирликлари/ ходимлари яқиндан ёрдам бердилар.

Шунингдек, йигилишда Махсус комиссия бюллетенини нашрдан чиқариш буйича махсус комиссия аъзоси 3. Мунавваров ахбороти хам тингланди. Йигилишда Махсус комиссияга келган таклифлар ўрганиб чикилди. Комиссия аъзолари келгуси иш режаларини ҳам белгилаб олдилар.

Ф. CAHAEB.



Кеча Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик кумитаси йигилиши бўлиб ўтди. Унда Наманган вилоятида фукаролар согли**гини** саклаш ва ногиронларни ижтимоий химоя килишга каратилган конунларнинг хаётга татбик этилиши, шунингдек, кексаларнинг ижти-

моий мухофазаси тўгрисидаги бошқа қонун хужжатларининг ижроси масаласи кўриб чикилди. Ингилишни кумита раиси М. Сафаева олиб борди.

томонидан Наманган вилоя- даволаш ва реабилитация

тида мазкур қонунлар ва

қонун хужжатларининг ижро-

си юзасилан катор ишлар

амалга оширилаётганлиги

саклашта махаллий бюлжетдан

12 млрд. 479 млн. 400 минг

сўм ажратилган, шундан «Қа-

рияларни қадрлаш йили» Дав-

Фукароларнинг соглигини

аникланди.

лат дастурининг бажарилишига 24 млн. 700 минг сўм маблаг сарфлаш мулжалланган. Вилоятда ногиронларни ижтимоий мухофаза килишга хам катта эътибор берилмокда. Жумладан, ногиронларни

га олинмокда.

Йигилишда ютуқлар билан мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Жумладан, вилоятдаги қариялар жорий йилда тиббий кўрикдан ўтказилган ва 70321

бирга айрим камчиликлар ҳам

тож деб топилган. Бирок, жой-

ларда тиббий кўрикни таш-

кил этиш хамда уни ўтказиш

учун зарур хужжатлар юритил-

маган, унинг натижаларини

кўрсатувчи рўйхатлар мавжуд эмас ва тиббий кўрик ўтка-

қарорига кўра айрим ногирон-

Хукуматнинг тегишли

зиш жадвали тузилмаган.

миллион сумга якин маблаг молиялаштирилмаган.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,

Сўз - ўкув-семинар қатнашчиларига лар имтиёзли тарзда дори-дармон билан таъминланиши лозим. Шундай кишилар вилоятда 36057 нафарни ташкил этади. Аммо уларни бепул дори-дармон билан таъмин-Махмуд ЭРАЛИЕВ. лаш масаласи қониқарли бажарилмаяпти. Чортоқ туманидаги «Дори-дармон» акциядорва ахборот худудий лик бирлашмасига қарашли дорихонага имтиёзли равишда берилган дорилар учун 8

Йигилишда қонунларни ижро этиш борасида йўл қуйилган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан тегингли илора ва вазирликларга тавсиялар берилди. Кўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди

«Халқ сўзи» мухбири.

#### Саволлар аёнлашса... миллий матбуоти олдида собик хукмрон мафкуранинг Самарканд вилоят матбуот

бошкармаси бошлиги: Утган ўн бир йил давомида юртимиз иктисодий, сиёсий, маънавий жихатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида юксак погонага кута-

рилди. Бугун ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги боскич бошланди. Модомики, шундай экан, бизнинг матбуотимиз хам ана шунга яраша бўлмоги лозим. Айтмоқчиманки, бугун юртимизда сиёсий ислохотлар жадаллик билан олға бораётган экан, матбуот хам ўз навбатида шу йўлга ўтиши керак. Биз учун ўзга йўл йўқ. Ўзбек

«нишонни бехато урувчи ва энг узокка отувчи» куролидан жамоатчилик фикрини шакллантирувчи демократик институт макомига ўтиш вазифаси турибди. Шахсан мен бугун бошланган ўкув-семинарни бу борада ташланган навбатдаги мухим қадам сифатида бахолаган булардим. Негаки, ушбу анжуман ўз олдига катта максадларни қуйган. Қандай қилсак, матбуотимиз демократик талабларга жавоб беради? Ахборот бозорида ўз кийматига эга бўлади? Укув-семинарда айни саволларга жавоб изланаётганлигининг ўзи фикримиз далилидир.

#### хабарлар Сўнгги

## ΝΊΑΔΝΔΛΟ ΤΚΝΜΑЖ ΊΗΝΗΗΑΦ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИ

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида Юртбошимиз "Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари" мавзуидаги маърузасида жамият олдида пайдо бўлган янги масалаларни хал этишни кун тартибига қўйди. Бу жараёнда илм-фаннинг, олим ва мутахассисларнинг иштироки кандай бўлмоги лозим?

"Миллий истиклол гояси: асосий тушунча ва тамойиллар" ўкув фани бўйича методологик комиссиянинг Фанлар академияси фаоллари билан биргаликда ўтказган навбатдаги йигилиши ана шу долзарб масала мухокамасига бағишланди. Унда Узбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслахатчиси Т.Рискиев маъруза килди.

Бахс ва мунозаралардан кейин йигилиш якунида жамиятни ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий асосланган хулосалар тайёрлаш. уларни хаётга жорий этиш мақсадида Фанлар академияси хузурида уч йўналишда республика илмий семинарларини ташкил этишга қарор килинди.

Улар "Миллий истиклол

гояси — хар томонлама ривожланган демократик давлат ва фукаролик жамиятини барпо этиш йўлида Узбекистон халкининг хамжихатлиги ва якдиллигини таъминлаш асоси", "Узбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари ("Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда)", "Миллий иктисодиёт ракобатбардошлиги муаммолари ва истиқболлари" мавзуларидаги доимий фаолият кўрсатувчи республика илмий семинар-

Мазкур илмий семинарларнинг хулосалари оммавий ахборот воситалари оркали кенг жамоатчиликка етказиб борилади.

Мехри БОЛЛИЕВА,

ўзА мухбири.

ларидир

Молия бозори

истик болига бағишланди

зий банки Япониянинг халқаро хамкорлик агентлиги (ЛСА)

билан биргаликда "Узбекистон молия бозорининг хозирги

холати ва ривожланиш истикболлари" мавзуида семинар

бий тузилиши, ривожланиш истикболлари, макроиктисодиёт-

га таъсири ҳақидаги маърузалар тингланди.

Анжуманда миллий молия бозорининг мохияти ва тарки-

Ўзбекистон Банклари уюшмасида мамлакатимиз Марка-

(X3A)

#### Андижон вилоятининг яна бир туманида пахта тайёрлаш буйича шартнома режаси бажарилди.

КУН ТАРТИБИДА — ДАСТУР ИЖРОСИ

қилиш борасида қатор тиб-

биёт муассасалари фаолият курсатиб келмокда. Шу йил-

нинг 6 ойи давомида 113 на-

фар қария даволаниб, сало-

матлигини тиклаган, 1121 на-

фар қария турли сиҳатгоҳларда

дам олиш учун бепул йўллан-

ма билан таъминланган. Улар

кўрикдан ўтказилиб, рўйхат-

#### Избосканликлар зафари



Избосканликлар хар гектар ердан 32,4 центнердан, жами 28,635 тонна биринчи навли, тола сифати юқори бўлган саноат хомашёси йи**гиштириб** олдилар. Эришилган муваффақиятга А. Тиллабоев номли, «Шарқ юлдузи», Н.Жураев номли, «Узбекистон» ширкат хўжаликларининг пахтакорлари муно-

сиб хисса қушдилар. Хозирги кунда туманнинг мехнат ахли давлатта яна 13.030 тонна «оқ олтин» сотиш, хосилдорликни эса 45 центнерга етказишга ҳаракат қил-

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Пойтахт вилоятининг Куйи Чирчик туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги республикамиздаги шоличиликка ихтисослашган йирик ва иктисодий жихатдан бақувват жамоалардан бири хисобланади. Агротехника қоидаларига муттасил амал қилинаётганлиги, серхосил, эртапишар навлар танланаётганлиги, жамоанинг фи-

### докорона мехнати ва иш юри-Шоли **ўрими Ku3FuH**

тишда илгор усуллар жорий қилинаётганлиги боис ҳар йили юқори кўрсаткичларга

эришиб келинмокда. Жорий йилда ҳам жамоа аъзолари ҳар доимгидек шолини ўриб-йигиб олишта мамлакатимизда биринчилардан бўлиб киришдилар. Хар

куни мавжуд 2,5 минг гектар майдондаги экиннинг бир неча ўн гектари ўриб-йигиб олинмокда. Ўрим суръати эса кун сайин ошиб бораётир. Хўжалик жамоаси хар гектар ердан 70 центнердан ошириб шоли олишни режалаштириштан.



СУРАТЛАРДА: оила пудрати бошлиғи Озод Акбаров, комбайнчилар Маъмур Қосимов ва Рустам Акбаровлар хосил чўғидан мамнун; шоли бошоклари. Нуъмонжон МУХАММАДЖОНОВ олган суратлар.



# Борини айтиш керак

Бахтиёр ОМОНОВ, Ибн Сино номидаги нашриёт директори: Анжуманда таъкидлан-

ганидек, демократик матбуотнинг мухим хусусиятларидан бири — фикрлар, қарашлар, нуқтаи назарлар хилмахиллигидир. Биласизми, бундай матбуот жамият равнақи, манфаатларидан келиб чиккан холда бахс-мунозараларга, қиёсий тахлилларга кенг ўрин бериши, ўрни келганда кимнинг кимлигини холисона кўрсатиши, бир масалага нисбатан айрича ёндошувларни жамоатчилик хукмига хавола этиши зарур. Шу маънода, бугун ҳар бир матбуот органида берилган танқидий мақолалар юзасидан тегишли вазирлик, уюшма рахбарлари фикри ва унга муқобил нуқтаи назарлар мунтазам ёритилиши керак. Зарур бўлса,

ижобий ва салбий муносабатлар ёнма-ён берилгани маъқул. Ва бу, албатта, жамоатчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилади. Аммо бу осон иш эмас. «Газета, тахририят қаёққа қараяпти, нега ўринсиз таклифлар, бахсли мунозараларни босиб чиқараяпти?» дегувчилар ҳам топилади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Аммо ўша «ўринсиз» ёки «бахсли таклиф ва мунозара» қисқартирилиб чиқарилгани билан муаллифнинг фикри ўзгариб қолмайди. Бундан фақат маълум кишилар бошқача нуқтай назарлар хам борлигини билиб олиш имкониятидан махрум булади, холос. Шунинг учун биз хаётда борини ёзишимиз, айтишимиз керак.

«Халқ сўзи» мухбири Фуркот САНАЕВ ВЗИБ олди.

#### Лукма

## «Газеталар шархи»даги бир сўз хакида

Маълумки, Узбекистон телевидениесининг биринчи каналида эрталаб «Газеталар шархи» берилади. Буни ҳар куни интизорлик билан кутамиз ва мазза қилиб эшитамиз. Журналист Ислом Хамронинг шархи, одатда, шу куни чоп этилган марказий газеталардаги долзарб масалаларни, вокеаларни сермазмун ва қизиқарли равишда ифодалаб беради. Бундан хурсандмиз. Лекин, у, шу ишни бошлаганидан то шу кунгача хар гал «ўша» сўзини бир неча ўнлаб марта ишлатади. Масалан, кеча, 24 сентябрдаги шархида «ўша» сўзини қирқ

Уринсиз битта сўз одатда

саккиз марта ишлатди.


жумланинг, хатто бутун бир матнинг, нуткнинг, шархнинг хуснини бузишини телетомошабинлар билган холда, бундай сўзнинг хар гал меъдага тегадиган равишда кетма-кет ишлатилишини кандай бахолаш мумкин? Ахир, нутқ маданияти деган нарса бор-ку?!

Мабодо, ушбу таклифим газетала чоп этилгулек булса. Ислом Хамро ўз чикишида «ўша» сўзисиз шархлаб беришини илтимос қиламан

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ, профессор.

Узбекистон Қахрамонлари

# Kýhzuadazu épyfauk



Ез оёқлаб қолган палла. Куёш ботиб, хавонинг дами анча қайтган. Кўча бўйидаги адл теракларнинг кумушранг япроклари окшом шабадасида енгил ракс тушади. Бир тилим ой кишлок осмони узра муаллақ туриб қолгандек. «ГАЗ-31» нақшинкор дарвоза олдида секинлаб тўхтади. Ундан тушган эллик ёшлардаги барваста, қорувли киши маънодор томоқ қириб, ичкарига овоз берди: -Бибиражаб! Юкхонадан куйди-пишди, серғайрат...

Ўхшатмасдан учратмас, қовунни олинглар.. Хиёл ўтмай, кўча эшиги олдида гулдор чит кўйлакли аёл пайдо бўлди-ю, «хўжайин»га одоб билан салом берди. Яхши келдингизми, отаси? Мехмонлар кутиб қолиш-

Қанақа мехмонлар? Иби, эсингиздан чикибди-да. Ўглингиз Аъзамжоннинг тугилган куни-ку бугун?

ошни сузаман... Э, онаси, сен хали янгиликнинг каттасини эшитганинг йўқ. Телевизор кўрмайсан-да. Суюнчини тайёрлайвер, суюнчини!

Қани, ичкари киринг. Хозир

«Хўжайин»нинг одати маълум: бир гапни бошлайди-ю, охиригача айтмай хит қилади. Инсофданми шу? Бир хисобда унга хам осон эмас. Бошида сон мингта савол. Йил - ўн икки ой кушда тиним бор, аммо унда тиним йўқ. Режа, ҳосил деб югургани-югурган. Уттиз бир йилдан бери чўлда ер тирнаб, уруг

экади, кўчат ўтқазади, ариқ казийди, йўл чикаради. Лекин сира нолимаган. Узига хос феъли, катъияти бор. У илк бор бел сириб, Султонобод даштидаги қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун отланганда, Бибиражаб хали чилласи чикмаган келинчак эди. Мана, ўшандан бери қанча сувлар оқиб кетди, қанчадан-қанча қора сочларга оқ оралади. «Хўжайин» эса ўзгаргани йўқ. Хамон илгаригидек

дейдилар. «Хўжайин» - Азим Латипов хам шу топда ўз хаёли, ўз кечинмалари билан банд эди. Дилгир кайфиятда дарвоза томон йўналаркан, олдинда пилдираб бораётган хотинига мехри товланиб кетди: «Яхшиям, бахтимга шу бор. Бибиражаб бўлмаганда мен кўча-кўйда кариллаб юра олармидим? Мана, тўрт қиздан кейин қўчқордек ўғил туғиб берди... Яратганга ҳазор бор шукур!»

...Мехмонлар тарқалгач, Латипов ишком остидаги сўрига кўтарилиб, кўрпачага ёнбошлади, кўк чойни шопирди. Яқин ойлар ичида оила даврасида илк бор эмин-эркин, ёзилиб ўтириши эди. Бу хам керак, албатта. Хеч кимнинг жони темирдан эмас. Лекин елкангда тогдек масъулият турганда, ўз халоватингни ўйлашга доим хам имкон топилавермайди-да. Дала-дехқончиликни чидаганга чиқарган. Унинг машаккатли

«юк»ини тортиш учун сабот ва иродадан ташкари инсон калбида юртпарварлик туйгуси устувор бўлиши керак. Йўк, бу баландпарвоз гап эмас. Битта нон билан корин тўяди. Дунёда эса коринданда мухимрок ва заруррок нар-

салар кўп, жуда кўп... Азим Шукурович учун тирикликнинг ўз маъноси бор. У, мана, бугун, неча йиллар ортида туриб, Қизилқум этагидаги асрий Султонобод даштида илк бор кетмон чопган, омонат чайлаларда сафдошлари билан тикилишиб яшаган, қоқ нонни сувга бўктириб еган дамларини кулиб эслайди.

Инсон иродаси олдида ҳар қандай мушкулот енгилади. Мана, хаммаси ортда қолди, чекилган захматлар унут бўлди.

Азим Латипов бугун чўлда янги ташкил этилган ва асосан ғаллачиликка ихтисослаштан «Бухоро» жамоа хўжалигида рахбар. «Янги» деяпмиз-у, ўшанга хам олти йилдан ошибди. Кичик бригадани эплаш бошқа, турли феъл, турлича савияли кишиларни бирлаштирган йирик жамоага етакчилик қилиш бошқа экан. Умрининг асосий қисми шу заминда кечгани учунми, табиий-экологик мухит, ер таркиби ва холати, хали «тахи» бузилмаган ички имкониятлар - бари янги раисга беш күлдек аён эди. Шу боис иккиланмасдан дадил харакатланди. Одамларга, энг аввало, нима керак? Эътибор

ва гамхурлик. Каттаю кичик-

нинг калбига йўл топсанг, иш

даги "Жисмоний шахслар то-

хаки ва мукофотини вактида бериб турсанг, туй-маъракаларида бош бўлсанг - олам гулистон. Ана шунда уларнинг кандай мўъжизалар яратишини кураверасиз!... Хаёт қизиқ, - мулохаза

юритади раис. - Баъзилар галлани экиб қуйсанг бас, ўзи куёщда тобланиб пишаверали. деб ўйлайди. Йўқ, ундай эмас. Донни оби-тобида етилтириш учун сув, ўгит, офтоб, сифатли парваришдан ташкари сохибкорнинг қайноқ мехри керак. Мехр бўлмаган жойда хеч нарса кўкармайди, кўкарганда хам мўлжалдаги хосилни бермайди. Буни ўз тажрибамдан яхши биламан. Айтинг-чи, битта бўлик бошокда нечта дон бўлади? - суҳбатдошим шундай деб, бир оз

жавоб қилди: -Очерк хисоблаб Мен кўрганман. Аъло навли бугдой бошогида 82-83 тагача дон пишиб етилади. Шунга қараб, ўртача ҳосилдорликни олдиндан чамалаш мумкин. Ҳа, ерни ардоқлаган

тин олди, сўнг ўзи

киши асло кам бўлмайди. Раиснинг қадами қутлуғ келди. Шофиркон туманига қарашли мазкур жамоа хўжалиги эндиликда замонавий ғаллачиликнинг ўзига хос тажриба мактабига айланган. Тармокда иктисодий ислохотларни чукурлаштириш, мехнатни янгича ташкил этиш, инсон омилига эътиборни ошириш хисобига бошокли дон етиштиришда йил сайин юкори натижаларга эришиляпти. Узоққа бормайлик. «Бухоро»ликлар жорий йилда 570

гектар майдонда ғалла ўстириб, унинг хар гектаридан 70,1 центнердан сара хосил етиштирдилар. Бу нафақат вилоятда, балки республикада хам салмокли кўрсаткич, десак хато қилмаймиз. Жами ғалла микдори 3920 тоннани ташкил этди. Тармокдан келадиган якуний фойлани ана энди ўзингиз хисоблайверинг.

«Бухоро»лик миришкорлар ердан кандай фойдаланишни майдонларда кузги тарик ўстирилаяпти. Бу, албатта, қушимча даромад, дегани. Хўжалик хисобхонасида тунлари алламахалгача чироклар ўчмайди. Қилни қирқ ёрадиган иқтисодчилар фойдаю зарарни чўтга ташлаш билан банд. Дастлабки хомчўтларга қараганда, 1 сўм пай пулига 2 сўм 32 тийиндан қушимча даромад тўгри келаяпти. Бу биргина ғаллачиликнинг ўзидан. Вахоланки, хўжаликда пахтачилик, чорвачилик, сабзавот-полизчилик сохалари хам тараққиёт йўлига тушиб олган. Мисол учун, бултур 168 гектар майдонга «Бухоро-6» навли чигит экилиб, гектар хисобига 30 центнердан пахта хомашёси йигиштириб олинган эди. Бу йил эса хосилдорликни 40 центнерга етка-

зиш мўлжалланаяпти. Чўлқуварлар дастурхонида хамма нарса мухайё. Тушлик иссик овкат - бепул. Яйловда боқилаётган қуй-қузилар сони 200 бошдан 1000 бошга етказилди. Хўжаликнинг марказий қўргонини кўриб, мўъжаз шахарчага нисбат берасиз. Бу ерда оилавий яшаш, дам

олиш ва даволаниш учун зарур қулайлик яратилган. Мактаб, тиббиёт муассасаси, кутубхона ишлаб турибди. Шу боис «Бухоро» ликларнинг рухлари тетик, эртанги кундан умидлари катта.

...Ана, борликни заррин нурларга кўмиб, яна бир тонг отди. Сутдек оппок тонг. Азим Латипов хар кунги одатига кўра, айни пайтгача далани бирров айланиб чикишга улгурган эди. Идора биноси оллила машиналан тушиб. йўлак орқали ичкарига кираётганди, гулдаста кўтарган бир тўп ўкувчилар чугурлашганча атрофини ўраб олишди. Раис шошиб қолди.

 Табриклаймиз! Табриклаймиз! Хушхабарнинг қаноти бор. деганлари шу бўлса керак. Мустакилликнинг 11 йиллик байрами арафасида республикамиздаги мехнат ва ишлаб чикариш илгорларидан бир гурухи Президент Фармонига кўра, олий мукофот - Ўзбекистон Қахрамони унвони билан тақдирланди. Улар орасида уста ғаллакор, тажрибали хўжалик рахбари Азим Лати-

пов хам бор эди. Кўп йиллик захматли мехнат ва изланишларнинг амалдаги эътирофи эмасми бу? Мана, хозир у, хаётнинг аччиқ-чучугини татиган кап-катта одам, ички хаяжонини босолмай, гулларга кўмилиб ўтирар, чўл шамолида ёрилган лаблари «Рахмат, рахмат» дея пичирларди, холос.

> Носир ТОШЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Жахон иктисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилганига ўн йил тўлди

Мамлакатимиз жахон хамжамиятида ўз ўрнини топиши, хорижий давлатларда Ватанимиз манфаатларини химоя қилиш, юртимизнинг, замонавий тил билан айтадиган бўлсак, имижини шакллантириш йўлида фаолият юритаётган дипломатларимиз орасида бу олий ўкув юртининг битирувчилари талайгина.

## **ЎЗБЕК** ΤΗΝΗΝΟΚΝΤΑΜΟΛΠΝΔ **PETINLN**

Шу кунларда ўзининг ўн йиллик тўйини нишонлаётган Жахон иктисодиёти ва дипломатия университети 1992 йил 23 сентябрда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг фармонига биноан ташкил этилган. "Узбек дипломатиясининг бешиги", деган шарафли номга сазовор бўлган бу университет қисқа вақт мобайнида ўзининг юкори малакали ўқитувчилари, ҳар жихатдан пухта ва мукаммал билимга эга бўлган талабалари хамда Ватанимиз равнақи йўлида тинмай мехнат қиладиган битирувчилари билан нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам катта шухрат қозонди. Натижада, хозирги кунга келиб, дунёнинг аксарият давлатлари иктисодий ислохотларнинг ўзбекона модели хамда Узбекистондаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури билан бир қаторда ўзбек дипломатияси мактабининг ўзига хос жихатларини, диққатга сазовор хусусиятларини ўрганмоқда,

амалиётга татбик этмокда. Иктисодиёт ва дипломатия сохасида фаолият юритувчи кадрларни тайёрлаш бўйича нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёда энг етакчи ўкув юртларидан бири саналган бу университет ўзбек миллий дипломатиясининг янги авлодини тарбиялаш ишига салмокли хисса қушиб келмоқда. Қозирги кунда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бир ярим мингдан ортиқ битирувчиси мамлакатимизда ва юртимизнинг хориждаги ваколатхоналарида самарали мехнат қилиб келаётгани бу фикрнинг яққол далилидир.

Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро хуқуқ, халқаро муносабатлар, дунё иқтисодиёти ва геосиёсат каби йўналишлар бўйича таълим берувчи мазкур университетда талабаларнинг сифатли билим опиши учун шарт-шароит яратишга алохида эътибор қаратилмоқда, дейди университет проректори Тохир Орипов. — Утган вакт давомида университетда энг замонавий компьютер ва бошқа турдаги ўқув техникаси ўрнатилди. Талабалар Интернет тармогида ишлаш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, янги кутубхона, талабалар уйи, замонавий теннис корти ва спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш имкониятини берувчи спорт майдонлари фойдаланишга топширилди.

Шуни алохида таъкидлаш жоизки, университетда талабаларни зарур адабиётлар билан таъминлаш ишлари хам яхши йўлга қўйилган. Университетнинг барча кафедралари давлат станлартлари асосида ишлаб чикилган маърузалар матни, ўқув

миз пир бўлди. Кенг-мўл

майдон четлари махалла мол-

қуйлари боқиб, суғорилади-

ган ажабтовур «ферма»га ай-

теккан» экан, маданий, тар-

ғибот-ташвиқот ишларининг

Хўп, туманда спортга «кўз

Яхшидур аччик хакикат

қўлланмалари ва талабалар учун керак бўлган бошқа адабиётларни мунтазам равишда тайёрлаб нашр этмоқда. Бундан ташқари, электрон шаклдаги адабиётлар ҳам талабаларнинг эътиборига хавола этилмокда.

Айтиб ўтилганидек, қисқа вақт ичида минтақамизнинг энг етакчи олий ўкув юртларидан бирига айланган Жахон иктисодиёти ва дипломатия университети нафақат юртимизда, балки хорижда хам анча машхур. Бунда университетнинг хорижда тахсил олаётган талабаларининг хиссаси бекиёс, албатта. Ўтган вақт давомида бу ўкув даргохининг икки юзга яқин талабаси Узбекистон Республикаси Президентининг истеъдодли ёшларнинг чет элларда ўкишини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси орқали АҚШ, Япония, Буюк Британия каби давлатларда тахсил олиб, хозирги кунда мамлакатимизнинг катор вазирлик ва идораларида самарали фаолият кўрсатмокда. Бундан ташқари, университет хузурида ташкил этилган дипломатик курслар хамда бошкарув институти дипломатия йўналиши бўйича фаолият юритаётган мутахассисларнинг малакасини оширишда хам

катта ахамиятта эга. 2000 йил март ойида мазкур академик лицейнинг янги биноси фойдаланишта топширилган эди. Маросимда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этиб. бундай имкониятлар мустақиллик туфайлигина яратилгани ва бугунги ёшлар бунинг қадрига етиши, буюк аждодларимизга мос фарзандлар бўлиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Хар бир мамлакатнинг, халқнинг ўз урф-одатлари, анъаналари бўлгани каби хар бир давлат дипломатиясида хам ўзига хосликлар, анъа- наю одатлар бўлади. Шу маънода, ўтган давр мобайнида шилган натижалар, қўлга киритган ютуқлар Узбекистон тарихан қисқа вақт ичида ўз миллий дипломатия мактабини яратишта муваффак бўлди, дейиш учун асос бўла олади.

Юртимиз дунёга кун сайин кенгрок эшик очиб келаётган бир пайтда, табиийки, ўзбек дипломатиясининг ахамияти хам юксалиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўн йиллик тўйи мана шу мухим ўзгаришлар даврига тўгри келганида ўзига хос рамзий маъно бор. Негаки, юртимиз манфаатларини химоя этиш, Ватанимиз равнақи йўлида мехнат қилиш энди ўзимизга, ўзбекистонлик дипломатларга боглик.

> Бобур СОБИРОВ. (¥3A).

#### Вазифалар Белгилаб олинди

вишла божхона чегаралари ор-

кали олиб ўтилишининг ол-

дини олиш борасида муайян

ишлар амалга оширилди. Бу

борада аникланган контрабан-

да, қонун бузилиши холатла-

ри буйича тегишли карорлар

кабул килиниб, конунийлик-

ни таъминлаш, хукукбузар-

ликларнинг олдини олиш чо-

камасининг 2002 йил 6 май-

Йигилишда Вазирлар Мах-

ралари кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси хайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда давлатимиз рахбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасидан келиб чикадиган вазифалар мухокама этилди.

Давлат божхона қумитаси лаш, ички истеъмол бозорираиси Р. Хайдаров бошқарған ушбу йигилишда Юртбошимиз маърузасида назорат фаолиятини давр талабидан келиб чиққан қолда ташкил этиш, иктисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қуллаб-қувватлаш, қонунбузарлик содир этилишининг олдини олиш. Президент Фармонлари ҳамда Вазирлар Махкамаси қарорлари ижросини таъминлаш божхона органлари олдига асосий вазифа қилиб қуйилгани таъкилланди.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида мамлакат иктисодий хавфсизлигини таъмин-

монидан Узбекистон Республикаси худудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўгрисида"ги қарори ва бу қарордан келиб чиққан холда қабул қилинган бошқа бир қатор меъёрий хужжатлар ижросини сўзсиз таъминлаш зарурлигига эътибор ни химоя килиш, шунинг-Яна бир мухим вазифа дек, товар-моддий бойликлар, айниқса, озиқ-овқат, кундалик эхтиёж моллари, ёнилги-мойлаш махсулотлари, рангли металларни қонунга хилоф ра-

сохада кадрларни танлаш, жойжойига қуйиш, уларнинг касбий, маърифий, жисмоний ва саф тайёргарлигини яхшилаш. ходимлар ўртасида хизмат интизомини мустахкамлаш, коррупцияга қарши кураш, қонунбузарлик содир этилишининг олдини олишлан иборат. Бунда божхона тизимила таъмагирлик, порахурлик ва хизмат интизомини бузиш каби салбий холатларнинг олдини олиш, айникса, мухим ахамият касб этади. Бехзод НОРБОЕВ.

**ЎзА** мухбири.



Бугунги кунда Фарғона вилоятидаги кўплаб озик-овкат дўконларида "Фаргонасут" тамғаси билан сут ва сут маҳсулотларининг тури купайиб қолди. Сабаби, Узбекистон-Британия қушма корхонаси — "Фарғонасут" ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турини 12 тага етказди. Чиройли қадоқланған, сифатли, арзон махсулотлар харидорларға бирдай ёқмоқда. Корхонамизда тайёрланаёттан маҳсулотлар хорижникидан устун булса устунки, кам

эмас, — дейди ишчи Абдурашид Тешабоев. СУРАТДА: А. Тешабоев иш устида.

Тохиржон ХАМРОКУЛОВ олган сурат.

## Паррандачилик Унгланиш

Урганч туманидаги Ш. Зарипов номли хўжаликда бунга қандай эришилди?

Бозорда тухумнинг дона-си 70-80, баъзида 100 сўмдан сотилаётганлигини кўриб, киши ўйланиб қолади. «Нахотки парранда бокиб, тухум етиштириш шунчалик қийин булса?» деган савол беихтиёр хаёлдан ўтади. Дархақиқат, кейинги пайтда парранда, яъни пархез махсулотдарининг нархи кескин ошиб кетди. Боиси - бевосита бу иш билан шуғулланадиган хўжаликларнинг маълум қисми бозор иқтисодиёти қийинчиликларига дош беролмай, инқирозга учради.

Лекин соханинг сердаромадлигини биладиган, бозор талабларини тушуниб, янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этаётган хужаликларда иш аста-секин изга туша бошлади. Урганч туманидаги Шариф Зарипов номли паррандачилик хиссадорлик жамиятининг фаолияти фикримизнинг далилидир.

Аслида, бундан бир йил мукаддам бу ерда хам мураккаб молиявий ахвол юзага келган эди. Маблаг етишмаслиги окибатила одамлар маошларини вактида ололмас, паррандаларни ем билан таъминлаш муаммога айланган эди. Ахволни яхшилаш максадида жониворларнинг бир қисми сўйилди, бир қисми сотилди. Лекин бундай ишлар хам ўзини окламади. Кўрсаткичлар пасайиб бораверди. Вазият жиддий чораталбирлар кўришни такозо киларди.

Хиссадорлик жамияти аъзолари ўзларининг навбатлаги йигилишида жамоага янги рахбар сайлашта қарор килишди. Бой тажрибаси хисобга олиниб, Рузмат

Хасанов корхонага етакчи қилиб тайинланди. Молиявий ахволни яхшилаш, хўжаликни оёққа турғазиш борасида чора-тадбирлар кўрилди. Мавжуд имкониятларнинг барчаси ишга солинди. Жамиятнинг фойдаланилмай ётган бинолари «Ким ошди» савдосига қуйилиб сотилди. Ундан тушган маблаг турдош корхоналардан наслли жужалар харид қилишта йўналтирилди. Одамларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хўжаликни қолоқликдан олиб чикиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, иш шу асосда олиб борилди. Хиссадорлик жамиятида

иш тадбиркорлик асосида юритилганлиги, имкониятлардан окилона фойдаланилганлиги ўз самарасини бера бошлади. Олти ойда натижа яккол кўзга ташланди. Шу боис жамоадан илгари бўшаб кетган одамлар ҳам ишта ҳай-

тиб кела бошлашди. Шундай қилиб, иш юришиб кетди. Хиссадорлик жамиятининг жорий йил ярим йиллик якунлари тахлил килиб кўрилса, деярли барча кўрсаткичлар бўйича ўсиш кўзга ташланади. Утган вакт ичида икки миллион 668 минг дона тухум етиштирилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан деярли ўн баравар кўпдир. Паррандалар бош сонини купайтириш ва хар бир

> ромад микдори кескин ошди. Ишимиз изга тушганлиги боис, корхона тезда оёққа турди, - дейди хужалик рахбари Рўзмат Хасанов. - Фойда олиш коэффициенти хам ошиб бормокда. Рентабеллик жорий йилнинг олти ойлик якунлари бүйича 27,7 фоизни ташкил килди. Лекин хали оллимизда амалга оширадиган ишлар куп. Масалан, хориж инвестициясини олиб келиш борасида иш олиб борилмокда. Агар бунинг уддасидан чик-

> товукдан тухум олишда ҳам

шундай ижобий ҳолни куза-

тиш мумкин. Натижада да-

Хулоса шуки, Урганч туманидаги Шариф Зарипов номли паррандачиликка ихтисослашган хиссадорлик жамиятида қисқа муддатда бир қанча ютуқлар қўлга киритилли. Демак, кайси сохада бўлмасин, изланиш, тадбиркорлик билан иш юритиш, бозор талабларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш ўз самарасини бериши муқаррар-

сак, кўрсаткичларнинг бун-

дан-да яхшиланиши, шубха-

**Хосил КАРИМОВ**, "Халқ сўзи" мухбири.

Чилустун тоглари пойига бош қуйган Булоқбоши қишлоқлари, айниқса, бахор ва ёз кезлари янаям гўзаллашиб, мафтункор бўлиб кетади. Зилол сувлари тошдан-тошга сакраб окаёттан Шахрихонсойнинг қалин дов-дарахтлар билан қопланган сўлим қиргоқлари ундан-да файзли, латофатли. Она табиатнинг бетакрор бу гушаси шунчалар гўзал экан, туман марказидаги маданият ва истирохат боғига тараф ҳам, таъриф ҳам йўкдир? Пахта, галла, пилла ва бошқа соҳалардан мул хосил олаёттан мехнат ахли ўзларининг бўш вақтларини табиат қуйнидаги оромгохларда, спорт согломлаштириш мажмуаларида, клуб ва кутубхоналарда мазмунли-ю, марокли ўтказишаётгандир? Ана шу ўйлар оғушида,

булоқбошиликлар таъбири билан айтганда, «Марказий бок»ка бордик. Яралганидан буён пешонасига асфальт битмаган тор, бунинг устига тошли-тупрокли йўллари, яна бир томони дарвоза нималигини билмай умри ўтаётган «бог» бизни мунгайиб кутиб олди, гуё. Якин орада супурги тегмаган йўлаклар четидаги бир дам ўтириб нафас ростлашга мўлжалланган, кейинчалик эсдан чикиб кеттан ўриндикларнинг тахталари суғуриб ташланған. Бир пайтлар машхур санъаткорлар билан ҳамиша гавжум бўлган, томошабинларни багрига сигдиролмаган ёзги кинохонанинг бугунги холатига маймунлар йиғлайди. Мирзакалон Исмоилий номи билан аталувчи мазкур кинотеатр хусусийлашгач, бино девори хом ғиштдан қайта тикланди. Ярим ёрти битказилгач, эсдан чикиб кетди. Беш-олти йилдирки, у чикиндилар ом-

борхонасига айланган. Очиқ кураш майдонидаги манзара ундан-да аянчли. Уриндикларнинг бир кисм тахталари сирли равишда йўқолган. Кийиниш, ювиниш хоналари тамбалаб ташланган. Ахлатлар уюмини кўриб, «бог» мутасаддиларига «ҳафсалаларингга балли-е», деб юборганингизни ўзингиз хам

оёкдан ажраш хеч гап эмас Бир амаллаб ташкарига чиқиб олдик. Хилвираб турган бинолар ортига ўтгач, номи бору ўзи йўқ «теннис корти» устидан чикдик. Ана, манзара! Майдон атрофи туман чиқиндилари кўргазмасига айланган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Яқин орада бу ерга ахлат тўкувчилардан бош-

Хусн ва

сезмай қоласиз. Неча юз минглаб сўм маб-

лагнинг бошига сув куйиш билан тикланган фаввора қуриб-қовжираб ётибди. «Бог»да болаларга атаб тикланган ёки ташкил этилган биронта майдонча, курилма, хатто, ишонасизми, оддийгина музкаймок сотиладиган дукончани ҳам учратмадик. Шахмат-шашка эса анқонинг

«Маданият ва истирохат боғи»дан олган таассуротларимиз чигалини ёзиш мақсадида «Булоқбоши ипаги» хиссадорлик жамияти тасарруфига ўтган спорт-соғломлаштириш мажмуида бўлдик. Ох, унинг «кўркамлиги», «хуснитаровати»! Тўпиққача чангли ўйдим-чуқур йўлдан юриб, нихоят ховли ичкарисига кириб олдик. Еввойи ўт-ўлан макон тутган ховлининг бир кисмини сомон уюми ишгол қилган. Яхши ниятлар билан таъмирлаш ишлари бошланиб, кейинчалик аросатда қолиб кетган бино хоналари хувиллаб ётибди. Эхтиёт булиб қадам ташламасангиз

қа бирон кимса яқин келмагани шундоққина кўриниб турибди.

Бахри-дилимиз «очилиб».

туман марказидан сал нарида қурилиш ишлари бошланган (бир пайтлар, албатта) футбол стадиони томон йўл олдик. Ховлисининг бир кисмини шоли, буғдой экинлари эгаллаган, яна бир қисмига ҳайвонлар богланган махалла адогидаги стадионнинг пешонасига ям-яшил майдон битмаган кўринади. Акс холда у қўлбола ховузга айланмаган, бола-бақралар эса ўша сунъий кўлчада эртадан кечгача чўмилмаган бўлар эди. Шу ердаги уруш қатнашчилари, фронт ортида жон олиб, жон берганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорликлар атрофи ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйил-

Бизга шу яқин орада яна бир футбол майдони борлигини айтишди. Ункир-чункир йўллар оша у ерга ҳам бордик. Унинг ярим битган дарвозасини кўрибок, бошланибдию ташланибди-да, деган ўй ўтди кўнглимиздан. Хафсала-

ахволи қандай? Саволимизга туман маданият ишлари

бўлимининг мудири Холис-

хон Жалолова шундай жавоб - Гавҳар Тожибоева, Мухаммаджон Халилов, Олимжон Матгозиев сингари иктидорли санъаткорлардан иборат «Булокбоши савдоси» дастаси

фаолият кўрсатмокда. - Кейинги йилларда, масалан, қанча миқдорда миллий чолгу асбоблари сотиб олинди?

Мудира ўнгайсизланди. Маълум бўлишича, санъаткорларга кийим-кечак сотиб олиш учун маълум микдорда маблағ ажратилибди-ю, аммо чолғу асбобларига келганда пул «тугаб» қолибди. - Утган йили неча номда

бадиий асарлар олинди? Кутубхоналаримизни 232 дона адабиёт билан таъминладик. Жойлардаги шохобчаларимизга уч-тўрттадан китоб ажратдик.

Майрамхон Маликова мудиралик қилаётган 18-шохобчадамиз. Кутубхона 19 мингдан ортиқ ақолиға эға булған

Мойарик кишлоги марказила жойлаштан. 5945 китоб фондига эга. 675 нафар китобхони бор. Иил давомида ўн нафар ўкувчи кўшилди.

Мудирага ҳам Холисхонга берган саволимизни такрор-- Иил давомида етти дона

янги китоб олдим, - деди у. - Газета-журналларга обуна бўлганмисиз? Утган йилиям, бу йил хам биронта нашрга ёзилма-

дик, - афсусланди у. -Тўгри, бу йил олти ойга вилоят газетасига обуна бўлдик. Муддат тугаганига ҳам анча бўлди. Энди эскиларини варақлашта мажбурмиз. - Нега шундай?

- Билмадим, маблаг йўқ шекилли.

Сохаларга ажратилиб, териб қуйилган адабиётларга қуз югуртирамиз. Аксарияти собиқ Иттифоқ даврида чоп этилган асарлар. Бу манзарани «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги маъмурий биноси ичкарисида жойлашган кутубхонада ҳам учратдик.

Булоқбошининг хусн-латофатига шайдо бўлиб, айни дамда ундаги доглардан кўнгил хижил тортиб қайтар эканмиз Чилустун тогларидан эсган салқин шабада эпкинидан хузурландик. Бироқ кўзимиз яна «Марказий бог» га тушди-ю...

Юқоридаги воқса-ходисалардан нахотки туман рахбарлари хабардор бўлмаса деган фикр хаёлимизга махкам ўрнашиб олди.

Гулчехро ЙУЛДОШЕВА. Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбирлари

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

# БОБОЛАР ЖИЛМАЙИБ

Кексалик - тажрибалар йигиндиси. Хаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларида орттирилган мазмун. Йиллар ғалвирида сараланған яхшилик. Қадр, қадрият деган сўзларнинг маъносини биздан кўра минг марта яхши чақиб оладиган хикмат.

Кекса отахонлар, онахонлар билан сухбатлашаман. Улар бутун ҳаётлари давомида фикри-зикриларига ўрнашиб қолган яхшиликларидан гапирадилар. Дилларида шукроналик. Қаноат ва оқибатлилик. Тилларида зинхор бировга ёмонлик қилманглар, яхши гап, яхши амални қўлдан қуйманглар, деган калом. Хаёлида эзгуликка зинхор базинхор дарз етмасин-да деган алағдалик.

Кумкўргоннинг Ойинли деган кишлогида яшайдиган бир бобомизни таништирай сизга. Мамаражаб Чориев. Етмиш тўрт ёшга кирди. Қирқ йил чўпон бўлиб ишлаб, колхоз деган жамоанинг битта улоғига хиёнат қилмаган. Еттитами ўгли бор. Тогни урса талкон киладиган пахлавон, уддабуро ўглонлар. Мамаражаб бобонинг ўзи ўгиллари учун - мактаб, дорилфунун. Бундан бир мунча вақт муқаддам бобонинг укаси - Тўра полвон вафот этди. Изида бир этак бола қолди. Мамаражаб бобо хозир хам хафтанинг бир кунини Тўра укасининг хотирига ажратади. Укасидан қолған уйға боради. Укасининг сагирларидан хол-ахвол сўрайди. Уларнинг бошини бириктириб, томорқада ишлайди. Бирон каттароқ юмушлари чикса, хашар чакиради.

Бобо бошқа қўни-қўшниларининг, хамкишлокларининг иссиксовугидан ҳам ҳамиша ҳабардор. Кўприк бузилдими ё қишлоқ кўчаси ўйилиб қолдими, ўгилларига бери кел, дейди. Қулингдан келганини, кўнглингдан чиқарганингни ўртага қўй, дейди. Ва ўзи ишнинг бошида туриб, тўпланган маблағ хисобидан кўчани созлатади. Алланазар исмли ўглининг тегирмони бор. Бобо хафтанинг маълум бир кунида тегирмон бошига боради. Тегирмон бугун тегирмон хакисиз - хайрияга ишлайди, дейди. Угиллар ота билан мухокамага бормайдилар. Отанинг юзига тик қарамайдилар. Изнсиз, хатто хузурига кирмайдилар. Бобо кўп гапирмайди. Лекин фарзандларига бир гапни такрор-такрор уқтиради:

Болаларингдан бохабар бўлинглар. Огох бўлинглар. Юзта болангдан биттаси бебош чикса, тугилганинг, ишлаганинг. яшаганинг - бир пул.


Денов шахридан тадбиркор бо-

TYPCA...

бомиз Амри Нарзуллаев хам Мамаражаб ҳожининг гапларига тўла

 Мен очган шу ошхона шўрвасини истаб (Жарқўргон билан Деновнинг ораси юз чакирим йўл) хўрандалар келишади. Атайин

келишади, - дейди Амри бобо. -Гап қорин тўйғазишда эмасдир. Гап огзингга олган тузу намакнинг халоллигида, тозалигида. Билиб қўйингларки, дастурхонинг тоза бўлсин. Қадамингнинг, юмушла-



май қолди ва шошганидан «чепуха» деб юборди. Сўнг ўзининг бу шошқалоқлигидан майингина кулиб қуйди.

Бир ёш хамкасбим, якинда шундай деб қолди: қарияларимиз бўлмаганидами ё мунгайиб яшардик, ё бўлмасам манманлик отининг жиловини бўш қўйиб юбориб, йўлимизни йўқотиб қўярдик. Амри ака бу гапни мендан эшитиб, яна майингина кулиб қўйди. Яхши гапни, яхши ишларни у шундай кулги билан рагбатлантиришни хуш кўради. Айникса, яхши гапу эзгу ишлар ёшлардан чикаётганини билиб колсами...

нинг саодати - мана шундан.

нигох

Амри бобонинг ёмон кўргани - дангаса одам. Дангасалик шунчаки камчилик эмас. Дангасалик - касофат. Ота-бобосини камситган - ёмон. Боласини ортикча эркалатган, унинг оғзига нон чайнаб бериб талтайтган, янги рўзгорга, эртанги кунга дангаса ишёқмасни тақдим этган ёмон.

Нарзуллаевни биз тадбиркор бобо, дедик. Нарзуллаев бобо бўлганидан сўнг тадбиркор бўлмади. У болалигидан тадбиркорлик килди. Сомсачига шогирд тушди. Мактаб кўрмаган одам таёқчаларни бир-бирига зарб қилиб хисоб-китобни ўрганди. Хеч кимдан ёрдам кутмай ўзини оёққа турғазди.

- Болага тарбия, аввало, отаонадан, - дейди Амри бобо. - Бир боланинг бир йиллик мактабда ўқитиш беш минг сўмга тушади. Айрим ота-оналарнинг, тарбияни мактаб қилаверсин, деган қарашлари рост бўлиб чиққандами, мактабни битирганларнинг хаммаси алломаю академик бўлиб кетарди. Йўқ. Бу ишга ота-она махкам бўлсин. Ота-она боласига узок шахарлардан шоколад-ширинлик ташиши шарт эмас. Боласини у яшашга, ишлашга, ҳалолликка, ростгуйликка, тозаликка ўргатсин. Ана шунда ош тоза бўлади. Ризқ покиза бўлади. Насл тоза бўлади. Колган хамма нарса...

Амри ака охирида сўз топол-

Мавриди келганда мен яна бир бобомизнинг ибратини айтиб ўтайин. Хуррам Тошмиров. «Нуроний» жамғармаси Шўрчи туман шўъбаси раиси. Шўрчиликлар хали-хамон ўзларининг бу саксон бир яшар хамшахарларини жамоатчилик арбоби деб эъзозлашади. Хуррам бобо хамон эл орасида. Эл хизматида. Ва табиийки, одамлар ҳам унинг атрофида.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



#### Мухолифат эфирга чик мок чи



Украина телестудияларида милиция назорати янада кучайтирилган. Бунга мухолифат етакчилари-Украина Коммунистик партияси биринчи котиби Пётр Симоненко, Социалистик партия раиси Александр Мороз ва "Батикавщина" партияси рахбари Юлия Тимошенколарнинг — Биринчи миллий телеканал (УТ-1)ни кўлга олишга уринганликлари сабаб булган.

"НТВ.ру"нинг маълумотига қараганда, улар телемарказ биносига кириб, эфир орқали тўгридан-тўгри чикиш килишни талаб килиб кўйиштан. Лекин улар мақсадларига эриша олмадилар.

Парламент сайловлари

#### "Кизил-яшиллар" галабаси

Расмий маълумотларга қараганда, ГФРда булиб утган парламент сайловида мамлакат канцлери Герхард Шрёдер етакчилик қилаёттан Германия Социал-демократик партияси(ГСДП) ва у билан бошқарув коалициядаги "Яшиллар" партияси биргаликда 47,1 фоиз (38,6+8,5) овоз олишга муваффақ булган. Бу эса "қизил-яшиллар"га Бундестагда мутлақ купчиликни ташкил этиш имкониятини беради.

Бошкарув коалициясининг ракиби-Христиан-демократик иттифоки(ХДИ) ва Христиан-социалистик иттифоки(ХСИ) биргаликда 45,9 фоиз овоз одган.

"Лента.ру"нинг хабарига кўра, Шрёдер ва мамлакат ташки ишлар вазири Йошко Фишер ўз тарафдорларига миннатдорчилик билдиришган. Шунингдек, улар яқинда коалиция буйича музокаралар бошланишини хам айтишган.



#### Якин Шарк

#### **Fазога хужум**

Исроил қушинлари танклар ва вертолётлар ёрдамида Фаластиннинг Газо шахрига хужум бош-

Дастлабки маълумотларга кўра, содир бўлган куролли тўкнашувлар давомида 9 нафар фаластинлик ҳалок бўлган, 24 нафари эса жароҳатланган.

"Лента.ру"нинг хабарига қараганда, Исроил армияси қумондонлиги утказилаёттан операцияларни тасдиқлаган, аммо вазиятни шарҳлашдан

#### НАТО ўзгартириладими?

Кеча Польша пойтахти Варшавада НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирларининг саммити очилди. Унда Шимолий алъянснинг Бош котиби Жорж Робертсон нутк сўзлади.

"Рейтер" агентлигининг маълум килишича, Робертсон ўз нуткида алъянснинг террорчиликка қарши курашиш буйича харбий-сиёсий ташкилотга айлантирилиши мавзусига алохида урғу берди. "НАТО халқаро террорчиликка қарши курашда мухим ўрин касб этадиган ташкилотга айланиши лозим" - деди НАТО Бош котиби.

Кейинги йилларда соғлиқ-

ни саклаш тизимидаги дерматовенерологик хизмат

йўналишида бир қанча сези-

ларли ўзгаришлар бўлди

Хозир республикамизда 69

диспансер, 219 та кабинет ва

55 та бўлим ёрдамида ахоли-

га тиббий-дерматовенероло-

гик ёрдам кўрсатилмоқда. Да-

волаш-профилактика ишлари

асосан амбулатор-поликлини-

ка муассасаларила ўтказиляп-

ти. Бу ердаги бактериологик.

серологик лабораториялар

сони йилдан-йилга кўпайяп-

ти. Юртимизда янги диагно-

стик тестлар - полимераз

занжирли реакция, иммуно-

фермент анализ, культурал

тестлар юзага келди ва ама-

лиётга киритилди. Натижада

захм касаллиги кейинги беш

хизматда хозирги кунда рес-

публика микёсида 886 нафар

шифокор фаолият кўрсатмок-

лаш вазирлиги Бош дерма-

толог ва венерологи Комил-

жон Йулдошев. - Бу эса со-

**гликни** саклаш сохасида ўзи-

га хос куч демакдир. Респуб-

Дерматовенерологик

- дейди Согликни сак-

йил ичида анча камайди.

#### Ижтимоий хаёт

#### Автомобилдан воз кечиш хафталиги

Европада "European Mobility Week" хафталиги бўлиб ўтмокда. Тадбирда европаликлар автомобиллардан воз кечиб, бошка турдаги транспорт воситаларидан фойдаланишга даъ-

"Lycos.py"нинг маълум килишича, ундан максад-атроф-мухитни согломлаштириш ва шахарларда автомобиль қатновини камайтириш-

### Тог дарасида муз кўчди

Шимолий Осетиядаги Кармадон тог дарасида муз кучиши окибатида 100 дан зиёд киши бедарак йўқолган. Сўнгти маълумотларга қараганда, рўйхатда 113 киши қайд этилган, аммо табиий офат юз берган жойда булганларнинг қариндошларидан бедарак йуқолганлар қақида маълумотлар келиши давом этмокда. "Лента.ру"нинг хабарига қараганда, турт кундан буён олиб борилаёттан қутқарув-қидирув

ишлари давомида 8 кишининг жасади топилган, 27 киши қутқарилган.

Шу муносабат билан эртага Шимолий Осетияда мотам куни эълон қилинган.

# «Сендай ў глим Бўлганидан фахрланаман»,

Дуо билан эл кўкарар

Юз-кўзларидан нур ёгилиб, эл юртни дуо қилаётган суратдаги ота-

Отахоннинг оиласи ҳам каттагина: ўгиллару келинлар, қизлару куёв-

П.Ахмедов хар куни эрталаб эл-юртни, махаллани, фарзандларини,

шукроналик билан бошланган кунларнинг эса тонги оппок, окшомла-

демакки, Узбекистонни яхши ният билан дуо қилади. Узбекнинг дуоси

лар, невара-чевараю, эвараларнинг санаб адогига етолмайсиз.

хон-Пўлатхожи Ахмедов Юнусобод туманидаги «Фирдавсий» махалла-

сининг хурматли қарияларидан бири.

ри нурафшон бўлгай!

Махаллада 6,5 минг ахоли яшайди.

 дейди самарқандлик мархум кахрамон

Рустам ШАГАЕВ (ЎзА) олган сурат.

жангчи Сайёр Саъдиновнинг онаси Розияхон опа

- Сайёржон!.. Ўглим!.. Мен келдим. Эшитяпсанми, болам, мен яна келдим...

- Эшитяпман, аяжон, эшитяпман... Бу сафар хам албатта шундоқ бўлишини билувдим, йўлларингизга хар доимгидек интик кўз тутувдим... Келганингиз учун рахмат... Ишқилиб, ўзингиз омонмисиз, тани-жонингиз согми, ая?.

 Худога шукур, эл қатори ризкимни териб юрибман. Факат. - Нега ўксинасиз, нега

хўрсинасиз, ая?.. Узинг биласан-ку, Сай-

ёржон, менинг юрагимда жарохати битмас оғир дард бор. Унинг бир номи жудолик, иккинчиси - жудоликдан тугилган армон... Тагин онам ёзгиряпти, деб ўйлама. Нолиганнинг нони яримта бўлади. Ношукурдан Худонинг қахри келади. Энг якин оламим бўлганинг учун сенга дил ёряпман. Эсингдами, болам, менинг қалбим бундан роппа-роса йигирма йил мукаддам илк бор қаттиқ яраланганди. Отанг автохалокатга

учраб, 35 ёшида ҳаётдан бе-

вақт кўз юмганди. Мен ўттиз-

га тўлар-тўлмасимдан, кет-

ма-кет туғилган уч ўғилу икки қизалоқ билан тул қолгандим.

- Уша кезлар акам ва опам бошлангич синфда ўқишарди. Мен хали харф танимасдим. Жамшиду Мадина эндигина тетапоя бўла бошлаган гўдаклар эди...

 Нимаям қилардим, турмуш машаққатларига дош бердим. Дош бердим-у, орадан ўн саккиз йил ўтиб, боягидан-да оғирроқ иккинчи зарбага дуч келдим. Сен на бир чимилдиқ кўрмай, ўзингдан на бир зурриёт қолдирмай, айни куч-қувватга

#### Ватан фидойилари

тўлган йигирма тўрт ёшингда дунёдан ўтдинг. Ёвуз ниятли газандаларга қарши курашда шахид кетдинг... Энди ўйласам, дахшатга тушаман. Кисматдан қочиб, пешонала боридан тониб булмас эканда. Ота-бола лоақал бир инсон умрини ҳам яшамабсизлар-а. Қушиб хисоблаганда, атиги 59 йилгина хаёт кечирибсизлар-а... Хозир эса мана, икки йилдирки, қушмозор бўлиб, ёнма-ён ётибсизлар. Бошқа нима хам дейин?... Мен Сизларни согиндим, ўглим, жуда-жуда соғиндим...

- Йигламанг, аяжон, йигламант! Ахир, бу фоний дунё, ўзингиз айтмокчи, шусиз хам куз ёшларидан безор. Инсон зоти яралибдики, кувончга харидор, бахтга интизор. Кўйинг, бўзламанг, ая... Мабодо, Сиз йигласангиз...

(Давоми 4-бетда).

Саломатлик – туман бойлик

# **Куру**лтойдан ymud kamma

ликамизда жинсий алока орқали юқувчи касалликлар янги турларининг пайдо бўлиши уларни аниқлашнинг сезгир усуллари ишлаб чикилишини ва вилоятларда амалиётга татбик этилишини такозо килади. Шу аснода хасталикларни аниклаш даражаси ошиб бориши, шубҳасиз. Қолаверса, бу каби муаммоларни хал этишда қурултойдан умидимиз катта.

Дерматовенерологик касалликларга асосан сўзак, хламидиоз, уреаплазмоз, гарднереллез, генитал учук, учли кандиломалар киради. Ахоли ўртасида профилактик, тушунтириш ишларини мунтазам олиб бориш, шунингдек, бирламчи ва иккиламчи

профилактикани жадаллашти риш мақсадида Дерматология ва венерология илмий-текшириш институтида, барча вилоятларда дастлабки профилактика гурухлари ташкил этилган. Шуни таъкидлаш керакки, республикамизда дерматовенерологик хизмат жадал ривожланмокда. Кеча очилган ва бугун ўз ишини давом эттирадиган республика дерматовенерологларининг IV съезди шу соха мутахассисларининг хамкасблари билан тажриба алмашишига, иш куламларининг янада кенгрок ривожланишига имкон яратиши, шубхасиз.

> Умида ФАЙЗИЕВА, "Халқ сўзи" мухбири

#### **«Petrol Service» KK** РАСМИЙ ИМПОРТЕРИ «ВАЗ» АЖ «ИЖ-АВТО» ОАЖ ВАГОНЛАРДА КЕЛТИРИЛГАН, БОЖХОНАДАН ЎТГАН ГАЗ, ВАЗ, ИЖ автомобилларини makлиф этади Пул ўтказиш Тошкентдаги — автосалонда йўли билан «Интра-Оца» АЁКШ, «Беруний» м. ст. 🕲 ЗИН сотилади: ДИЗЕЛЬ ЕНИЛГИСИ Монзил: Пушкин к., 59 АИ 92 — 640 сўм, АИ 96 — 700 сўм. Tene 137-13-43, 127-99-62, 180-35-05

#### **МАНФААТЛИ АЛМАШТИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ КОГОЗ ЧИКИНДИЛАРИ ЎРНИГА МАХСУЛОТЛАР** хорижий сармояли «SANOATOALINOOG OZSAVOO» ОАЖ Қабул пунктари АДВАН ВА ТАШКИЛВТААРДАН ЧЕКЛАНМАГАН МИКДОРДА КОГОЗ ЧИКИНДИЛАРИНИ КАБУЛ КИЛИБ, КУИДЛАНК ЗКТИЁЖ МОЛЛАРИГА АЛМАШТОРАДИ. 1 кг. ҚОРОЗ ЧИҚИНДИСИ УЧУН — 85 сум хисобидон. ИШ ТАРТИБИ: хар куни соат 9.00дан 16.00гача, **КОРОЗ ЧИКИНДИЛАРИГА АЙИРБОШЛАНАДИГАН МАХСУЛОТЛАР** 1 KE Y4YH Пахта ёги, 0.5 л., бут. Хўжалик совуни, бўлак Арок, 0.5 л., бут. Вино, 0.5 л., бут Макарон махсулотлари, пач. «Мечта» кир ювиш воситаси, бан Тозалаш кукуни (порошок), бан Кукун (порошок) 400 гр., пачка «Лимон» шампуни, бут 4 Kr. «Крапива» шампуни, бу «Облепиха» шампуни, бут. Лампочка, дона Гугурт, 4 қутича **Картон К-350, кг** Толали плита, кв.м. 16. Гофрокутилар, кв.м. КОГОЗ ЧИКИНДИЛАРИ ЙИГИШ ВА УНДАН КАРТОН СИГИМЛАРИ ИШЛАБ ЧИКАРИШДА ФОЙДАЛАНИШ ШАХАРНИНГ САНИТАРИЯ ВА ЭКОЛОГИК ХОЛАТИНИ ЯХШИЛАБ, АХОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

тушлик — соат 12.00дан 13.00гача, дам Олиш куни — душанба. А.Икромов тум., Чилонзор мавзеси, 26-даха, «Нон-паста» ёнида

(собик макарон фабрикаси) Хамза тум., Шолохов кўч., 39-уй (Кадишев бозори якинида) Хамза тум., Лисунов кўч., (мўлжал: Лисунов номли к/т оркасида) С.Рахимов тум., Қорақамиш 2/3 мавзеси (2 қаватли универсам орқасида) Хамза тум., «Рохат» халқасидан шахар халқа йули буйлаб Қуйлиқ томонға 500 м. юрилади, тел.: 98-36-87 Сарикўл кўчаси (мўлжал: Авиация техникуми) Юнусобод мавзеси, 3-даха (мўлжал: 5-болалар касалхонаси) Юнусобод тум. (мўлжал: «Қозогистон» к/т оркасида) Юнусобод тум., Малясов кўч. (мўлжал: «Юлдуз» фабрикаси)

 М.Улугбек тум., Буюк Илак йўли кўч. (мўлжал. «Саёхат» мехмонхонаси)
Ангрен шахри, Навойй кўч., 22-үй
Ангрен шахри, 5/5 дахаси, 14-уй
Ангрен шахри, 5/4 дахаси (мўлжал. хўжалик дўкони) Дукент шахри (мўлжал: бозор) Охангарон шахри, Охунбобоев кўч., 11-уй Олмалик шахри, Амир Темур кўч., 97-уй

Қабул килиш пунктлари МАНЗИЛЛАРИ

бекобод шахри (мўлжал: шахар прокуратураси) Бўка шахри (мўлжал: босмахона КОГОЗ ЧИКИНДИСИ, ШУНИНГДЕК, ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН БОЗОР НАРХИДАН ЮКОРИ БАХОДА КАБУЛ КИЛИНАДИ ХАМДА ИШЛАБ ЧИКАРИЛАЕТГАН КУЙИДАГИ МАХСУЛОТЛАРГА ХАМ АЛМАШТИРИЛАДИ:

\* ГОФРОСИБИМЛАР; \* ЎРАШ ҚОБОЗИ; \* ЕЛИМЛАНГАН КАРТОН; \* ТОЛАЛИ ПЛИТА

🌄 Маълумот учун телефонлар: (371) 144-10-78, 41-81-24 Тошкент ш., (266) 2-12-23, 3-74-26 Ангрен ш.

«Сендай ў Глим

Бўлганидан

фахрланаман»

2002 йил 25 сентябрь

#### (Давоми. Боши 3-бетда).

- Йўқ-йўқ, зинхор-базинхор безовталанма, болам! Мен йиглаётганим йўқ, кўнгиллимни бўшатяпман, холос. Ахир, мен - аёлман! Ахир. мен — онаман! Отанг жуфти халолим - умримнинг ажралмас бўлаги, оиламизнинг тиргаги эди. Сен фарзандим эдинг. Юрагимнинг катта парчаси — дилбандим эдинг... Начора, такдир бизларни бирбиримиздан абадул-абадга айирди. Дийдор қиёматта қолди... Биламан, Сайёржон, "Утган умр — куйган кумир", барибир, йиллар ортга қайтмайди. Биламан, Сайёржон, бу дунёга барчамиз хам мехмонмиз, барибир, мўъжиза рўй бермайди, мархумларга қайта жон битмайди. Қуш жудоликнинг юки эса огир, жуда оғир. Шундай бўлгач, ўксинмай иложим қанча?.. Ахволимни тушунгин, жон болам..

- Тушунаман, аяжон, тушунаман... Ростини айтсам, мен хам Сизни согиндим. Ога-иниларимни, опа-сингилларимни, ёру биродарларимни — хамма-хаммаларингни согиндим. Бирок нима қилай?.. Сиз — тирикларнинг йўригингиз бўлак. Қачон бизни соғинсангиз, қошимизга келасизлар. Отам иккимизнинг қабримизни зиёрат қиласизлар. Биз-чи, биз?.. Узр, аяжон, мен Сизларнинг олдингизга харгиз ўз оёкларим билан юриб боролмайман. Бир дастурхон атрофида қўр тўкиб. Сизлар билан биргабирга ўтиролмайман. Чунки мен мархумман.

- Андак шошма, ундай дема, болам. Сен ўлмагансан. Сен тириксан! Жисман орамизда бўлмасанг-да, рухан ёнимиздасан. Мудом халқ ёдиласан. Негаки, сен одлий ўлим топмадинг. Кўча-кўйда безорилик қилиб ёки бировлар билан муштлашиб жон бермадинг. Аксинча, зарур пайтда эл осойишталиги учун жангга кирдинг. Хаётингни Ватан мудофааси йўлида қурбон бер-

- Мен бор-йўги фарзандлик бурчимни адо этдим. Аникроги, харбий қасамёдимга содик колдим, ая.

- Хамма гап шунда-да, Сайёржон. Кимнинг қандайлиги, юртга мухаббати, Ватанга садокати огир дамларда билинади. Тулпорнинг учкури пойгада, йигитнинг ботири

майлонда синалади. Лафзига соликлик огизда эмас, амалда исботланади. Такдир такозосини караки, сен бундай синовга ёш бошинг билан икки бор рўбарў келдинг. Ва иккала сафар хам ундан муваффакиятли ўтдинг. Мардлигинг ила одамларни ҳайрату ҳаваста солиб кетдинг... Менинг назаримда, сен ҳамон кечагина

кўча чангитиб юрган гўр бола

эдинг. Кутилмаганда самода

учган юлдуз мисоли йилт этиб

кўзга ташландинг... Хайрон-

ман, ўглим, бундай жасорату

матонатни қачон, қайдан ола

аяжон. Ой қуёшдан ёғдулана-

ди. Дарё булоқдан жилғалана-

ди. Бошимизга тушган фо-

жиа туфайли мен ота мехрига

тўймай ўсдим. Тенгқурларимга

нисбатан анча эрта улгайдим.

Узимдаги хислатларни эса

Сиздан юқтирдим. Эсимни

таниб англадимки, беш но-

расидани танхо ўзингиз би-

ровлардан кам қилмай,

кўнглини чўктирмай ўстирга-

нингиз мислсиз қахрамонлик

экан. Бизни ҳалол, тўгри ва

- Хечам ажабланманг,

ўкишга интилдим. Спортга астойдил кизикдим. Дарвоке, тўққизинчи синфни битиришинг арафаси-

ла бирланига бүйинг үсиб кет-

ди. Савдо техникумида ўкиёт-

ган махалинг мускулларинг

кучга тўлди. Қарчиғайдай нор-

гим, абжир-чакконлигим хар-

бий хизматта чақирилганим-

ла жула аскотли. Мени сара-

ланган десантчи қушинга

жўнатишди. Ўзимни кўрсата

олдим чамаси, аввалига ки-

чик командир қилиб тайин-

лашди. Сўнгра хизматни мах-

сус бўлинмада, шартнома асо-

сида давом эттиришимга рух-

сат беришди. Харқалай, бу

касбни мен ўзим, ўз хохи-

шимга кўра танловдим. Сиз

нури дийдаси хамиша кўз

ўнгида юришини исташади.

Улар эса қанот чиқарибоқ, ҳар

ён парвозга шайланишади.

Ушанда сенинг хам отанг рах-

матлию мен каби шифокор

бўлишингни истасам-да, ич-

ичимдан зил кетсам-да, раъ-

йингни қайтаролмадим. "Қай-

га борсанг, бошинг тошдан

бўлсин! Юзимни ерга қарат-

ма", дея фотихага кул очдим.

ди, аяжон. Кўп ўтмай мени

зобитликка лойик куришди.

Унвонимни прапоршикликдан

лейтенантликкача кутаришди.

Уз навбатида мен хам коман-

дирларим ишончини оклаш

Юртимиз пахтакорлари, дехконлари диккатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

2002 йил 20 сентябрдан эътиборан,

1 ноябргача бўлган давр мобайнида

7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз

даромад тўланадиган

Ушбу омонатга маблагингизни

«Пахта Банк»нинг исталган

бўлимига кўйишингиз ва хар ойда

фоизли даромадингизни олиб

боришингиз мумкин.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!

Дуоларингиз ижобат топ-

Тўгри, болам!.. Оналар

рози бўлувдингиз.

- Жисмонан бакувватли-

гул йигитга айландинг.

мехнатсевар килиб тарбияла-

ганингиз ўзига хос мактаб —

ибрат экан. Шул боис акаму

укам, опаму синглим синга-

ри гапингиздан чикмадим.

Ножуя йулга кирмадим. Мак-

табла имкон калар яхши

пайида бўлдим. Айникса, АКШнинг Кентукки штатида биргаликда ўтказилган "Ултрабаланс - 99" харбий машкларида фаол қатнашдим. Узбек аскарлари ва зобитлари нималарга кодирлигини исботлашга харакат қилдим. Пировардида қўмондонлик ташаккурномасига сазовор бўлдим. Турли машгулотларда орттирган

тажрибаларим Боткен минта-

қасидаги жанговар ҳаракат-

Ва сен хизматларинг эва-

Шу муносабат билан

зига "Жасорат" медали билан

бизни Юртбошимизнинг шах-

сан ўзи қабул қилди. Бошқа

сафдошларим қатори мени

хам ўз ўглидек мехр-ла баг-

рига босди. "Юртимизни тур-

ли бало-қазолардан мана шун-

дай азаматлар асрайди", дея

— Ҳар учрашганимизда бу

хакда хаяжонлана-хаяжонлана

сўзлаб берардинг. Сенга

қушилиб мен ҳам қувонар-

дим. Аммо сен уйда кўп ўтир-

масдинг. Доимо шошиб ту-

рардинг. Гох ўзинг бош

бўлинма билан машкларга от-

ланаётганингни, гох харбий

билим юртида бўляуси зобит-

ларга дарс ўтишинг лозим-

лигини айтиб, дархол йўлга

тушардинг. Бамисоли учкур

қушдек келардинг-у кетардинг.

Мен одатдагидек дийдоринг-

шуни такозо этарди-да, мен-

кин оналигимга борардим. Бах-

тиёржон иккалангни тезрок

уйлантиришни, сизлар ёктир-

ган қуш Наргизаларни қуш ке-

лин килиб туширишни, нева-

— Ранжиганим-ку, йўқ. Ле-

Харбийлик масъулияти

га тўймай қолаверардим.

дан ранжиманг, ая.

жамғарма

омонатини

Хирмонингиз баракали

бўлсин, азиз юртдошлар!

Тўлиқ маслумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32,

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

юксак ишонч билдирди.

ларда роса қўл келди.

такдирландинг.

раларимни багримга босиб катта қилишни орзулардим. Афсус, орзуларим тўла-тўкис ушалмай, бир чети кемтиклигича қолиб кетди. Сен Сурхондарё тогларида террорчилар билан бўлган қиргин-баротдан тирик қайтмадинг, Сайёржон...

 Ёдимда, ўша куни қисмимиз байрамга хозирлик кўраётганди. Тадбирда биз қўл

жанги бўйича тўплаган махо-

ратимизни намойиш этишимиз

даркор эди. Таассуфки, уни то-

мошабинлар олдида эмас,

ҳақиқий жангда қўллашимизга

тўгри келди. Кўккисдан хавф-

дан огох этувчи ташвишли ха-

бар янгради. Махсус гурухи-

миз шодиёнани унутиб, ил-

кис оёққа турди. Биз саноқли

дақиқаларда Тошкентдан Сур-

хондарёга етиб бордик. Белги-

ланган жойда пастга сакрадик.

Майдонга кирган манглайини

қашимайди. Оёғимиз ерга тек-

кани хамоно жангта киришдик.

Мен олдинда эдим. Аввалига

автоматимдан ўқ узиб, икки

террорчини ер тишлатдим. Бас-

ма-басига граната улоктириб.

душман яширинган горни

портлатиб юбордим. Бир ма-

хал чап кўкрагим жиз этдию, ортимга қалқиб кетдим...

ринг сўзлаб беришди. Сен

яраланганингга қарамай, яна

беш соатча жанг килибсан.

Охири кўп қон йўқотиб, ҳол-

дан тойибсан. Жонинг узили-

ши олдидан бир гап айтиб-

сан. "Хали қиладиган ишла-

рим кўп эди", дебсан... Мен

шум хабарни эшитиб, эс-

тушса, сахий молидан, ботир

жонидан кечади", дердингиз-

Узингиз "Эл бошига иш

- ...Очиғи, ўшанда бу жу-

хушимни йўқотдим.

- Қолганини ўртоқла-

доликка чидолмайман, адойи тамом бўламан, деган хаёлларга боргандим. Элга рахмат, кўпчиликка қуллуқ! Мени ёлғизлатиб қўйишмади. Сенинг ўлимингта каттаю кичик — бутун халқ қайғурди. Ўша жангларда сен каби мардларча халок бўлган Алишер, Эломон, Абдухалим, Юнус, Дониёр, Қахрамон, Улугбек,

Махмуджон, Гафуржон, Бо-

буржон, Маъруфжонларнинг

хотираси ҳаққи-ҳурмати бутун

Узбекистон мотам тутди. Пре-

зидентимиз катта минбарда

туриб, барчамизга ҳамдардлик

билдирди. Менинг мархум

жангчиларнинг оталари - кат-

такўргонлик Абдулла Барноев,

булунгурлик Ахмад Ражабов

билан биргаликда йўллаган

мактубимни хаяжон ила эл ол-

дида ўқиб берди. Ватан фи-

дойиларининг хотираси хеч

қачон халқ ёдидан кўтарилмас-

лигини, уларнинг номлари

хамюртларимиз учун мардлик

ва жасорат, фахру гурур тим-

соли бўлиб қолажагини ало-

хила таъкидлади. Амалда рост-

данам шундоқ бўлди. Сен

қахрамонлигинг учун вафо-

тингдан сўнг иккинчи дара-

жали "Шон-шараф" ордени

билан такдирландинг. Ота юр-

тинг Нурободдаги кўчага,

ўзинг ящаган-ўқиган Пастдар-

гомдаги ва Самарканддаги ма-

халлаю мактабга номинг бе-

рилди. Мармар ёдгорликлар

қўйилди, хотира бурчаклари

ташкил қилинди. Сенга атаб

шеърлар, касидалар битилди.

Эндиликда мактабинг ховли-

сига бюстингни ўрнатиш ре-

жалаштириляпти. Мени эса

қахрамоннинг онаси сифатида

тез-тез учрашувларга чақири-

шади. Мустакиллик, Навруз,

Куролли кучларимиз байрам-

ларида сени йўқлаб келишади. Уйимиздан устозларинг, синфдошларинг, қуролдошларинг, мухбирлар қадами узилмай-

Шуларнинг борлигига рахмат, аяжон.

- Элнинг хурмат-эътикодини қара, ўғлим, сенинг қахрамонлигинг тилларда достон бўлгач, Бахтиёр аканг туйкус иш жойини ўзгартирди. У хозир сен хизмат қилган, сиймонг мангуликка мухрланган қисмда ҳарбий шифокор вазифасини ўтаяпти. Аскарларимиз саломатлиги учун жон куйдиряпти. Уканг Жамшид хам мухандислигини ташлаб, жанговар жабхада — ички ишлар сохасида ишлаяпти. Жиноятлар олдини олишга хисса қўшяпти.

– Улар хам менинг йўлимни тутишибди-да.

донда синалган хамиша элда азиз бўлади. Мардлик мангуликка татийди, хеч қачон унутилмайди. Ботирнинг жисми ўлса ҳам, исми ўлмайди... Туновгинда дегин, мени хурматлаб яна мактабингта чакиришди. Бажонидил бордим. Ун олти ёшли бир ўкувчи харбий либос кийиб сахнага чикли. Берилиб сенинг ролингни ижро этди... Воажаб, енгил-чаққон хатти-харакатлари, ўктам-дадил гап-сўзлари куйиб кўйгандек худди ўзинг. Назаримда, сен кайта тирилиб келгандай, алпқоматинг билан рўпарамда тургандай бўлдинг... Ишкилиб, умрлари ўхшамасину сенинг вафотингдан кейин шахримизда Сайёр ва Сайёра исмли чақалоқлар кўпайиб кетди... Бу демак, сен ўлмагансан! Одамлар наздида бархаётсан! Мен шунисига шукур қиламан. Сендай ўглим бўлганидан фахрланаман. Сенинг табаррук номинг мардлик ва жасорат, халққа муҳаббат, Ватанга садоқат рамзига айланиб қолганидан

Берган оқ сутингизга

 Гўринг нурга тўлсин, Сайёржон, мингдан-минг розиман... Мен ҳали яна кўп келаман. Оиламиздаги янгиликларни, тинч-обод юртимиздаги ўзгаришларни бафуржа сўзлаб бераман, хўпми...

"Халқ сўзи" мухбири.

гурурланаман. рози бўлинг, ая.

Хозирча хайр, болам...

 Яхши боринг, мендан одамларга салом айтинг,

Абдунаби ХАЙДАРОВ,

Бош мухаррир: Аббосхон **УСМОНОВ** Э. БОЛИЕВ Ха, шундок, болам. Май-

Тахрир хайъати:

(масъул котиб -

Ш. ЖАББОРОВ (бош мухаррир ўринбо-

М. МИРАЛИМОВ,

С. МУХИДДИНОВ,

М. САФАРОВ,

Р. ФАРХОДИЙ,

О. КАИПБЕРГЕНОВ (бош мухаррир ўринбосари

ў. хошимов.

#### БЎЛИМЛАР:

133-78-92

136-36-65; 132-10-65

маърифат -136-35-60; Газетхонлар билан алока

133-07-48; Фан, соғликни саклаш,

132-12-08; Янгиликлар ва

Эълонлар —

#### Cofaufuhzushu **mekuupmupuh**z

"Учкўргондон" хиссадорлик жамиятида согломлаштириш маркази курилиб фойдаланишга топширилди. Хўжалик хисобидаги қурилиш бригадаси томонидан бунёд этилган шифо масканига қарийб 24 миллион сўм маблаг сарфланди. Янги марказга замонавий ташхис ва даволаш ускуналари ўрнатилди.

қ. нажмиддинов.

#### РЕСПУБЛИКА КУЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИТ ТОШКЕНТ ШАХАР ФИЛИАЛИ

25 октябрь, 1, 8 ноябрь кунлари ким ощди савдоларини ўтказади. Савдога куйидаги объект куйилади:

Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани халқ таълими булимига қарашли, Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани, Самарқанд дарбоза кўча, Аричний берк кўчаси, 17-уйда жойлашган 29-болалар богчаси. Бошланғич нархи — 16 850 500 сўмёки

Аризалар қабул қилиш бир соат олдин тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шахри, Шайхонтохур тумани, Абдулла Кодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

#### Popumda турналар Байрами

Жиззахнинг тоглар

багрига жойлашган Фориш туманида Халқаро Турналар куни муносабати билан Турналар байрами ўтказилди. Ундан мақсад минтақадан учиб ўтадиган ноёб турналар ва биосфера табиий худудини яратиш лойихаси хакида махаллий ахолининг маълумотини оширишдир. Тадбир доирасида илмий-оммабоп маърузалар ўкилди, турналар хакидаги хужжатли фильмлар намойиш этилди. Шунингдек, экологик ўйинлар, расмлар танлови қатнашчиларда катта таассурот қолдирди.

м. ХОЛМАТОВА.

22 466 АҚШ доллари.

«Донишмандлик фанлар ичра энг аниғидир», деган ибора-

ни ким айтган? MAN 136-35-60 Кечаги сонда берилган

Францияда маъмурий худудлар департаментга

Бу ҳақда тошкентлик Ш.Мирзаев ва андижонлик Б. Турабоев хабар берди.

Тошкент вилояти Бука туманидаги «Холис-Сервис» (собик 12-автобаза) масъулияти чекланган жамиятига Тошкент вилояти Давлат мулкини бошкариш ва тадбиркорликии куллабкувватлаш бошкармаси томонидан берилган, мулкий хукукни тасдикловчи 3871сонли муваққат давлат ордери йуколганлиги сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

#### ТАШКИЛОТ ВА ФИРМАЛАР РАХБАРЛАРИ ДИККАТИГАТ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШКИ ИКТИСОДИЙ АЛОКАЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ «ЎЗБЕКТЕНДЕРКОНСАЛТИНГ» АГЕНТЛИГИ BA «PARVINA UNI PACK» МАХСУЛОТЛАРНИ ЙИГМА-ЎРАШ УМУМИШЛАБ ЧИКАРИШ МАРКАЗИ

Кадоклаш махсулотлари ишлаб чикариш линияси ва полипропилен грануласини харид килиш учун ТЕНДЕРЛАР ЭЪЛОН КИЛАДИ.

Тендер таклифларини қабул қилишнинг сўнгги муддати 2002 йил 25 октябрь соат 17.00гача.

Тендер шартлари ва маълумотлар олиш учун «Узбектендерконсалтинг» агентлигига мурожаат килиш мумкин. Манзилимиз: Тошкент ш., Буюк Ипак йўли к., 75-уй, Узбекистон Республикаси Ташки иктисодий алокалар вазирлиги биноси.

Телефонлар: 68-75-10, 68-25-51, факс: 68-75-96.

Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежи рахбарияти ва шахсий таркиби коллеж бошлигининг ўринбосари Абдунор Суюновга турмуш ўртоги

Фотима ОЧИЛОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор қилади.

Узбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент вилояти Бош бошкармаси жамоаси Бош бошқарма бошлиги Уткиржон Шукуровга волидаи мухтарамаси

ГИЛОСХОН аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия изхор

Республика акциядорлик тижорат банки «Галлабанк» жамоаси Бош банк Ички аудит бошқармасининг аудитори Анвар Абдуллаевга волидаи мухтарамаси

ФОТИМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукур таъзия из-

#### «Xaak cysu» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

«Халқ сўзи»), м. егоров

сари — «Халқ сўзи»),

с. зинин,

Ш. РИЗАЕВ,

И. ХУДОЁРОВ, и. ШОГУЛОМОВ,

«Народное слово»),

133-57-34;

ва минтақалар

136-29-89, таълим ва туризм —

халқаро ҳаёт

132-11-15;

Котибият — 133-10-28;

**Узбекистон** Республикаси Давлат матбуот кумитасида 00001-ракам билан

рўйхатга олинган. Буюртма  $\Gamma - 777$ , 27606 нусхада босилди, хажми — 2 табок. Офсет усулида босилтан. Когоз бичими А-2.

> Газета тахририят компьютер базасида терилди хамда операторлар ж. тоғаев ва 3. БОЛТАЕВ томонидан сахифаланди.

Навбатчи котиб А. ОРИПОВ. Навбатчи мухаррир У. ФАЙЗИЕВА. Навбатчи м. юсупов. Мусаххих -Ш. МАШРАББОЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шахри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда хажми 5 қоғоздан зиёл материаллар қабул қилинмайди.

t — тижорат материали.

«Шарк» нашриётматбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон»

Босишга топшириш вакти — 21.00. Tопширилди — 21.00.

кучаси, 41.